Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 4 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 184 (12.997)

Баҳоси эркин нархда

ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2-3 сентябрь кунлари ташриф билан Пекин шаҳрида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 3 сентябрь куни Пекин шаҳрида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимларда иштирок этди.

Хитой халқи ўша йиллардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга қарамай мардонавор курашиб, Иккинчи жаҳон урушининг ҳур фикрли инсоният фойдасига якунланишига улкан ҳисса қўшган.

Пекин шаҳридаги Тяньаньмэнь майдонида ушбу ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган ҳарбий парад умумбашарий аҳамият касб этди. Унда ўттизга яқин мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, БМТ, ШҲТ каби халқаро тузилмалар раҳбарлари қатнашди.

Ҳарбий парад ўтказишдан кўзланган асосий мақсад халқлар озодлиги йўлида жон фидо қилган инсонлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш, дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамкорликни кучайтириш, ёш авлод қалбида тинчликни қадрлаш туйғуларини шакллантиришдир.

Давлатимиз раҳбарининг Пекинда ўтказилган тантанали маросимларда иштирок этиши мамлакатимизнинг дунёда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга интилиши, шу билан бирга, Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, молия, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият соҳаларидаги кенг кўламли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан биридир. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бораётир. Хусусан, 2014 йилда бу кўрсаткич 4,7 миллиард АҚШ долларига етган. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо айланмаси 11,7 фоиз ўсган.

Мамлакатимизда хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 582 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг саксондан зиёди тўлалигича Хитой инвестициялари ҳисобига ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг етмишдан ортиқ компанияси ўз ваколатхонасини очган.

2013 йилда ташкил этилган Ўзбекистон – Хитой юқори технологиялар саноат парки – "Жиззах" махсус индустриал зонасида мобиль телефонлар, тикув машиналари, қурилиш материаллари, қуёш коллекторлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ва Хитойнинг China Railway Tunnel Group компанияси ҳамкорлигида қурилаётган Ангрен – Поп темир йўли Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғининг аҳамият жиҳатидан муҳим бўғинига айланади. Бу мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг янада кенгайишига хизмат қилади.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Ўрта Осиё – Хитой газ қувури қувватларини ошириш, Хитойга узлуксиз табиий газ етказиб беришни таъминлаш, Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

"ПолиТехноложи" компанияси билан ҳамкорликда Ангренда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

"Ўзбекистон – Хитой" ҳамда "Хитой Халқ Республикаси – Марказий Осиё мамлакатлари" дўстлик жамиятлари ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Фан-техника муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик, олий ўқув юртлари орасида талабалар алмашуви кенгаймоқда. Хитойда ўзбек тили, Ўзбекистонда хитой тили ўргатилмоқда. Мамлакатларимизда ўзаро маданий мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган кино кунлари, бадиий кўргазмалар, фестиваллар ўтказилмоқда.

Пекинда ўтган олий даражадаги мулоқот чоғида томонлар ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболларини атрофлича муҳокама қилдилар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига ташрифи доирасида 3 сентябрь куни ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан учрашди.

Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримовнинг ушбу ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Томонлар олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига ташрифи ниҳоясига етди. Давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтиргани хайрли қадам, Хитой раҳбарияти билан самарали музокаралари халқларимиз манфаатлари йўлидаги муҳим амалий тадбир бўлди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент – Пекин – Тошкент

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Муҳаммад Амин олган сурат

МАЛАКАЛИ ОФИЦЕРЛАР МАСКАНИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Тошматов ва бошқалар мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз Қуролли Кучлари олдига давр талабига мувофиқ офицер кадрлар тайёрлашдек долзарб вазифа қўйилганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг ташкил этилиши ушбу вазифани ҳал этишда муҳим қадамлардан бири бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан 1995 йил 2 сентябрда ташкил этилган ушбу академия олий ҳарбий таълим тизимида янги саҳифани очиб берди. Ўтган даврда академия етакчи олий ҳарбий таълим муассасасига айланди ва офицер кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, мамлакатимиз ҳарбий таълим тизимининг илмий-тадқиқот салоҳиятини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшди. Таъкидлаш жоизки, академияда таълим-тарбия жараёни мунтазам равишда такомиллашиб бормоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 4 августдаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Махсус маъруза машғулотларини ўтказиш учун мамлакатимиз бошқарув органлари ва қўшинларининг етакчи мутахассислари, олий ўқув юртлари, шунингдек, хорижий давлатлар ҳарбий таълим ва илмий-тадқиқот марказларининг экспертлари ҳамда мутахассислари таклиф этилмоқда. Бу ерда юқори малакали ҳарбий-илмий ва илмий-педагогик кадрларнинг мавжудлиги туфайли йил сайин таълимнинг замонавий шакл ва услублари, илғор ахборот-коммуникация технологиялари, моделлаштириш ва компьютер симуляцияси услублари, замонавий тренажёр комплекслари ҳамда тизимларини жорий этиш ишлари кенгайиб бораётир.

– Олий ҳарбий таълим муассасамиз ташкил этилган кун мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеадир, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг чет тиллар кафедраси мудири Галина Балашова. – Айни пайтда бу ерда нафақат қўшинларни бошқара оладиган, балки бугунги кунда долзарб бўлган вазифаларни ҳал қилиш учун стратегик фикрлаш қобилияти ва махсус кўникмаларга эга юқори малакали офицерлар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, академия тингловчилари чет тилларни билиши зарур. Шунинг учун айрим фанлар, масалан, "Ахборот технологиялари" фани инглиз тилида ўқитилмоқда.

Таъкидлаш керакки, ушбу муассасага асос солингандан буён 2 мингдан зиёд офицер кадрлар тайёрланди ва малака оширди. Бугун ушбу битирувчилар Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий қисм ва бўлинмалари, олий ҳарбий таълим муассасалари ва идораларини муваффақиятли бошқармоқда. Энг муҳими, академия битирувчилари замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўшинлар фаолиятига кенг жорий этиш соҳасида ҳам самарали меҳнат қилмоқда. Бу Қуролли Кучларни тезкор-стратегик бошқариш тизимини такомиллаштириш ва бўлинмаларни реал вақт режимида бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

– Қуролли Кучлар академиясида мутахассисликлар бўйича чуқур билим олиб, дунёқарашимизни кенгайтиряпмиз, одатдан ташқари вазиятларда қарор қабул қилишни ўрганяпмиз, – дейди академия тингловчиси, майор Зоҳид Эшмуродов. – Бу ерда яратилган шароитлар ўз устимизда мунтазам ишлаш, ҳам маънан, ҳам жисмонан чиниқиш, ҳарбий илм-фанининг сўнгги ютуқларини кузатиб бориш имконини бераётир.

Тадбирда юқори интеллектуал салоҳиятли офицерларни ўқитиш ва тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшган ўқитувчиларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

Тадбир сўнггида Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда эстрада хонандалари иштирокида байрам концерти бўлиб ўтди.

М.ҚАРШИБОЕВ

ОСОЙИШТАЛИК, ХОТИРЖАМЛИК — ФАРОВОНЛИК НИШОНАСИ

Мамлакатимиз умумий аҳолисига нисбатан 100 ёш ва ундан ошган инсонлар сони бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллади

Бир вақтлар ватандошларимиз юқори кўрсаткичларга эришаётган хорижий давлатлар ҳақида ўқиганда, эшитганда уларнинг тараққиётига ҳавас қиларди. Ўзбекистонимизни ҳам улар сафида кўришни истарди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Мамлакатимиз мустақиллик йилларида биз орзу қилгандек, ҳатто илғор давлатлар ҳам ҳавас қиладиган натижаларга эришмоқда. Нуфузли халқаро ташкилотлар, статистика қўмиталари ва экспертлар юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларини, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳаларда қўлга киритилаётган бетимсол ютуқларимизни юксак баҳоламоқда.

Яқинда "Эл-Висти" ахборот маркази узоқ умр кўрувчи инсонлар яшайдиган мамлакатлар рейтингини ўрганиш бўйича таҳлил ўтказди. Унга кўра Ўзбекистон умумий аҳолисига нисбатан юз ёш ва ундан ошган инсонлар сони бўйича Буюк Британия ва Япониядан кейин учинчи ўринни эгаллади.

Мазкур рейтинг 2014 йил бошидан буён жаҳон электрон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган материалларда келтирилган маълумотлар, факт ва рақамлар, эксперт ва мутахассисларнинг хулосалари асосида тузилган.

4,5 миллион материал ўрганилган мазкур тадқиқотда дунё мамлакатлари юз ёш ва ундан ошган инсонларнинг умумий миқдори бўйича ҳам қиёсланган. Унга кўра Ўзбекистон дунёда олтинчи ўринда қайд этилган.

Хўш, халқимизнинг умр кўриш даражаси йил сайин узайиб бораётгани замирида қандай омиллар мужассам?

Мутахассислар инсоннинг узоқ умр кўриши унинг соғлом ва бахтли ҳаёт кечириши, тинч-хотиржам яшаши билан узвий боғлиқ эканини таъкидлайди.

Ўзбекистон истиқлол йилларида тинчлик-осойишталик барқарор бўлган, инсон ва унинг ҳуқуқлари, эркинлиги олий қадрият сифатида эъзозланадиган, иқтисодиёти изчил тараққий этиб бораётган мамлакатга айланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий ўзгартирилиб, саноат ва инфратузилма тармоқлари изчил ривожланмоқда. Шу билан бирга, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини яхшилаш, таълим сифатини оширишга катта куч ва маблағлар йўналтирилаётир.

Ўтган даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсди. Аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошди.

(Давоми 2-бетда)

ХХ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Қашқадарё вилоят Кенгаши томонидан Нишон туманида "Фермер аёллар" лойиҳаси доирасида "O'zLiDeP — фермер аёллар манфаатлари ҳимоясида" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Навоий вилояти Кармана туманида ёш оилалар учун барпо этилган 64 хонадонга мўлжалланган янги кўп қаватли "Камолот" уйлари фойдаланишга топширилди. Ушбу янги уйлар мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган иқтидорли, ташаббускор ёш оилаларга тижорат банкларининг ипотека кредити асосида йигирма йил муддатга, бошланғич тўловларсиз берилгани ҳам ёшларимизга қаратилган яна бир эътибор, яратилган имконият намунаси, дейиш мумкин.

● "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ билан ҳамкорликда жорий йил 5-11 сентябрь кунлари мамлакатимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, олис ҳудудлардаги туманлар аҳолисини тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари томонидан чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга манзилли мурувват ёрдамини кўрсатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб "Саломатлик" поезди ташкил этилмоқда.

● Нукусда "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида "Камолот-тур" VIII ёшлар веломарафонининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 160 нафар велоспортчи иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Шимолий Американинг Калифорния штатидаги коллежлардан бирида рўй берган отишма чоғида бир киши ҳалок бўлди, икки нафар одам жароҳат олди. Маълумотларга кўра, ушбу ҳодиса шаҳар коллежининг бейсбол майдони атрофида содир бўлган. Ҳозирда полиция гумон қилинаётган Тинч океанидаги оролда яшовчи қотилни изламоқда.

● Жанубий Африка Республикасининг Свазиленд қироллигида икки юк ва бир енгил автомобиль иштирокида рўй берган йирик йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ҳалок бўлганлар сони 65 кишига етди.

● Бундан бир неча кун аввал чегара яқинида бортида ҳаётдан кўз юмган муҳожирлар бўлган юк машинаси топилганидан сўнг Австрия маъмурлари қочқинларни ноқонуний тарзда ташишга қарши кураш доирасида ўзининг шарқий чегарасида назоратни ҳамда транспорт воситаларини текширишнинг кучайтирилишини эълон қилдилар.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кўлами жиҳатидан ғоят кенг ва моҳиятан инсонпарвар ислоҳотлар, янгиланиш ва улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Асрларга татигулик бундай ўзгаришлар, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларини ифода этмоқда.

ЗАМОНАВИЙ МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎРКИ

Бу ўзгаришлар халқимизнинг азалий қадриятларини ҳамда анъаналарини тиклаш ва ривожлантиришга, миллий ғурур ва қадр-қимматини юксалтиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади. Юртимизда ҳар бир соҳада қўлга киритилаётган муваффақиятлар, халқимизнинг миллий менталитетига мос ривожланиш йўли, шубҳасиз, Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва жаҳонда кенг эътироф этилаётган тараққиётнинг "ўзбек модели" натижасидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла институти фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этишига эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, маҳалла юртимизда демократик жамият барпо этишнинг муҳим асосларидан ҳисобланади. У ўз фаолияти орқали фуқароларнинг давлат бошқарувида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини ҳал этишда бевосита иштирок этиши каби конституциявий ҳуқуқларини таъминлаётир.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 10 мингга яқин фуқаролар йиғини илгари маҳаллий ҳокимият органларининг алоҳида ҳуқуқлари ҳисобланган 30 дан ортиқ ваколатни бажармоқда. Чунончи, фуқаролар йиғинлари орқали аҳолини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш тизими амалда жорий этилди.

Юртимизда кечаётган кенг кўламли ҳамда тадрижий ислоҳотларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз ташаббуси билан "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили илгари сурилди.

Бу жараёнда давлат бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва унинг зиммасидаги вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиш пировард мақсадга айланди. Эътироф этиш жоизки, мазкур тамойилнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида айниқса, маҳаллалар фаолияти бутунлай янгича мазмун касб этди.

Маҳалла асрлар оша ранг-баранг турмуш тарзи, ҳаёт синовларидан ўтган донишманд ўзбек халқи учун таянч ва суянч бўлган бебаҳо қадриятдир. Тарихнинг энг кескин даврларида ҳам сақланиб қолиб, кишилар ишончини қозонган, шарқона жамоатчилик нуқтаи-назарини ифода этган ўзини ўзи бошқариш тизимидир. Бошқача айтганда, маҳалла – бу азалдан мавжуд бўлган ва шу кунгача ҳам сақланиб қолган ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли.

Юртимизда кучли фуқаролик жамияти шаклланиб бораётган бир пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки бугунги кунда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб боряпти.

Фуқаролар йиғинларининг ўз ваколатлари доирасида кам таъминланган, эҳтиёжманд фуқароларга кўмакдош, оилавий бизнесни ривожлантириш маркази ҳамда давлат бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатган идора сифатида фаолият юритишини таъминлаш учун, аввало, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарур.

Юртимизда қад ростлаётган обидалар, намунавий лойиҳа асосидаги тураржойлар ва бошқа иншоотлар халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан, эртанги кунга бўлган ишончидан далолатдир.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда бунёд этилаётган замонавий маҳалла идоралари, гузарлари ҳам юртимиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Замонавий маҳалла марказларини қуриш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Унга кўра, пойтахтимиздаги бир нечта маҳаллалар янги биноларга эга бўлди. Хусусан, Олмазор туманидаги "Хончорбоғ", Мирзо Улуғбек туманидаги Нодирабегим, Алишер Навоий номидаги маҳаллалар янги гузарларга эга бўлди.

Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги арафасида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Латифгузар" маҳалла фуқаролар йиғини идорасининг янги биноси ҳам маҳалла аҳли учун ўзига хос тўёна бўлди. Тантанали очилиш маросимида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими, туман бўлинмасининг масъул ходимлари, туман ҳокимлиги вакиллари, фаоллар ва ёшлар иштирок этди. Байрамона руҳда ўтган тадбирда рамзий калитни йиғин раиси Самариддин Рустамов қабул қилиб олди.

Янги идоранинг қурилишига "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Учтепа тумани бўлинмаси томонидан 37 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳомийлар ҳам ўз ёрдамини аямади. Маҳалла фаоллари эса барча ишларда кўмакчи бўлди.

– Замонавий гузарнинг топширилиши ҳақиқий байрам совғаси бўлди, – дейди "Латифгузар" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Самариддин Рустамов. – Олдинлари таъмирга муҳтож, эски бинода ишлардик. Тор йўлаклар ҳам аҳолининг келиб-кетишига ноқулайлик туғдирарди. Бугун эса кенг, ёруғ, шинам хоналарга эга бўлдик. Идорамиз замонавий компьютер жамланмаси, мебель жиҳозлари билан таъминланди. Айниқса, йиғин идорасининг катта кўча бўйида жойлашгани барчага манзур бўлмоқда. Бундан нафақат биз, балки кўпмиллатли маҳалламизнинг 3600 нафардан зиёд аҳолиси хурсанд. Ён-атрофимиздаги савдо дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ташкил этилиши эса аҳолига янада қулайлик яратмоқда.

Замонавий меъморчилик андозалари асосида бунёд этилаётган маҳалла идораларининг яна бир қулайлик томони шундаки, унда раис, масъул котиб, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси сардори ҳамда милиция таянч пункти, тиббиёт мажмуаси, банк ва бошқа ташкилотлар фаолият олиб боради. Бу эса, аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш билан бирга, ҳудудда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан ҳар йили фуқаролар йиғинлари ўртасида "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танлови ўтказиб келинмоқда. Ушбу танлов маҳаллаларда тўпланган илғор тажрибаларни кенг оммалаштиришда қўл келмоқда. ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҲАМ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ ЎРТАСИДА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ КЕНГ ЁЙИШДА, ҚОЛАВЕРСА, ТАЖРИБАЛАР АЛМАШИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ШУБҲАСИЗДИР.

Толибжон НИЗОМОВ

ОСОЙИШТАЛИК, ХОТИРЖАМЛИК — ФАРОВОНЛИК НИШОНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтган даврда харид қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсгани ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёдни ташкил этаётгани халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифати изчил юксалиб бораётганини кўрсатади.

Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бормоқда. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар ва инфратузилма тармоқлари қишлоқ аҳолисининг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун кенг имкониятлар яратмоқда, эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқармоқда.

Психологларнинг таъкидлашича, ўз турмушидан қониқиб, яқинларининг меҳр-муҳаббатини ҳис қилиб, эртанги кунга ишониб яшайдиган инсон узоқ умр кўради.

Халқимиз орасида меҳр-оқибат муҳитини янада яхшилашга, айниқса, ёши улуғ инсонларга ҳурмат-эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилингани ана шу хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ҳозирги даврда аҳолининг ҳаёт сифати одамларнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи билан ҳам ифодаланади. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсонни ривожлантириш концепциясида қайд этилган энг муҳим мезонлардан биридир. Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача умр кўриши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида 75 ёшга етди. Бугунги кунда мамлакатимизда юз ёшдан ошган 8700 табаррук отахон ва онахон истиқомат қилаётгани барчамизга чексиз мамнуният бағишлайди.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал соҳани мустаҳкамлашга ажратилаётган йиллик харажатлар изчил ошиб бормоқда.

Замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги соғлом авлод тарбияланмоқда. Бугунги кунда 2 миллиондан ортиқ ёшлар, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизлар спорт билан мунтазам шуғулланаётгани соғлом турмуш тарзи ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётганининг амалий исботидир.

Буларнинг бари "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун" тамойили жамиятимизнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош ғояси, асосий мақсадига айланганидан далолатдир.

Қўлга киритилаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омили ва мезони, шубҳасиз, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикдир. Зеро, тинчлик барқарор юртдагина ислоҳотлар самара беради, тараққиёт бўлади, одамлар ўз мақсадларини амалга ошира олади, ҳаётидан рози бўлиб, хотиржам яшайди.

Ўзимиздан қиёс: ҳар куни тинч-хотиржам уйғонамиз, яхши кайфиятда нонушта қиламиз. У-бу нарса кам бўлса, "ғиз" этиб дўконга чиқиб келамиз. Дўконда ҳамма нарса бор...

Хурсанд бўлиб ишга жўнаймиз. Режалаштириб қўйган ишларимизни бажаришга шошиламиз. Ишдан қайтаётиб болаларга майда-чуйда олай деб дўкон ёки супермаркетга кирамиз. Ҳамма нарса кўзимизга яхши кўриниб, кўнжимизни тўлдириб бозорлиқ қилиб чиқамиз. Оиламизни хурсанд қилиш учун яна уйга шошамиз.

Биз учун одатий ҳол бўлган бу ҳаёт тарзи аслида жуда катта неъмат. Тинчлик туфайли дўконлару бозорларимиз тўла, дастурхонимиз тўкин. Ўйин-кулги, тўй-томоша, байрамларимиз шукуҳли.

– Кўпчилик "Шу ёшга киришингизнинг сабаби нимада?" деб сўрайди, – дейди оҳангаронлик 103 ёшли отахон, "Шуҳрат" медали соҳиби Анорбой Бердалиев. – Бунинг жавоби жуда оддий: хотиржамлик, кўнгил тўқлиги, шукроналик, қолаверса, доимо ҳаракатда бўлиш, вақтида дам олиш, зарарли одатларга берилмаслик, қўлидан келган ёрдамини ҳеч кимдан аямаслик, ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшашдир.

Ҳа, мамлакатимиздаги тинчлик-хотиржамлик ва фаровонликнинг, меҳр-оқибат муҳитининг барқарорлиги туфайли халқимиз бугунидан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ. Одамлар эзгу орзу-интилишлар, юксак мақсадлар билан яшамоқда. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган барча ислоҳотлар ҳар биримизга, Ватанимиз келажагига дахлдордир.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда "Кафолат суғурта компанияси" акциядорлик жамияти ҳамкорлигида "Тадбиркор манфаати – суғурта ҳимоясида" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Маълумки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Уларнинг мол-мулкларини ишончли ҳимоялаш борасида суғурта компаниялари томонидан кўплаб янги суғурта турлари ишлаб чиқилмоқда.

Бу йўналишда "Кафолат суғурта компанияси" акциядорлик жамияти томонидан ҳам тадбиркорларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда суғурта хизматлари кўрсатилмоқда. Тадбиркорларнинг мол-мулкини, транспорт воситалари, хавфли ишлаб чиқариш объектидаги фуқаролар, қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш, тадбиркорларнинг автотранспорт воситаларини комплекс суғурталаш, гаровга қўйилаётган ёки лизингга олинаётган мол-мулкни суғурталаш кабилар шулар жумласидандир. Ушбу суғурта хизматлари тадбиркорларни молиявий йўқотишлардан ҳимоялашда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур тадбирда тадбиркорлар ўртасида суғурта маданиятини янада юксалтириш, суғурта соҳасида яратилган имкониятлар, шарт-шароитларни кенг тарғиб этиш, тадбиркорларни молиявий зарарлардан ҳимоялаш йўллари бўйича тушунтиришлар бериш ва суғуртанинг янги йўналишлари каби мавзуларда сўз юритилди.

Таъкидлаш лозимки, компания томонидан мижозларнинг талаб ва истакларини қондира оладиган янги йўналишлар ва суғурта турларини яратиш устида доимий равишда иш олиб борилмоқда. Бу борада жисмоний шахслар ҳамда корхона-ташкилотларга янгидан янги хизмат турлари тақдим этиб келинмоқда. Якка тартибдаги тадбиркорларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталашга қаратилган "Тадбиркор суғуртаси" хизмати янги суғурта хизматларидан биридир. Мазкур суғурта тури тадбиркорлар учун ҳар томонлама қулай бўлиб, томонларнинг манфаатларига тўлиқ мос равишда ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда тадбиркорлик нафақат шаҳар ва туман марказларида, балки чекка-чекка ҳудудларда ҳам ривожланиб бормоқда. Шуни инобатга олган ҳолда аҳоли ва ташкилотларга янада яқинлашиш, уларга қулай суғурта хизматларини кўрсатиш мақсадида қўшимча еттита янги суғурта марказлари ташкил этилди. Натижада, компания бўлинмалари сони 171 тага етди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилган суғурта хизматларидан 27,5 миллиард сўмлик суғурта мукофотлари жамланди. Ўсиш кўрсаткичи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 137,2 фоизни ташкил этди. Ўтган даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини суғурталаш бўйича 27,2 мингта суғурта шартномалари имзоланиб, улар орқали 3,4 миллиард сўмдан ортиқ суғурта мукофотлари жамланди.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олишди.

Абдували СОДИҚОВ

Анжуманлар

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Мустақил юртнинг мустаҳкам оилалари" мавзуида ўтказилган матбуот анжумани Республика "Оила" илмий-амалий маркази томонидан уюштирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа бир қатор ташкилотларнинг вакиллари, олимлар, шифокорлар ва психологлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан республика "Оила" илмий-амалий маркази директори вазифасини бажарувчи Ҳафиза Мамадалиева ва бошқалар юртимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар борасида кенг кўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Республика "Оила" илмий-амалий маркази оила маънавиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила ва никоҳнинг барқарорлигини таъминлаш, ёшлар ўртасида эрта никоҳларнинг олдини олиш, оилада ота-оналар бурчи ва масъулиятини янада ошириш, фарзандлар тарбиясига эътибор қаратиш ва турли долзарб масалаларни ижобий ҳал этишда самарали иш олиб бормоқда.

Жумладан, марказ турли жамоат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорликда, "Ота-оналар университети", "Ёш оила қурувчилар мактаби" тузилмалари, "Оилаларга кириш" жамоат сектори, жойлардаги "Аёллар маслаҳат марказлари" фаолиятини самарали йўлга қўйиш, ўқув муассасасидаги "Ораста қизлар" тўгаракларига яқиндан кўмак бериш борасида фаолият олиб бормоқда.

Марказ томонидан амалга оширилаётган илмий изланишлар, ижтимоий лойиҳалар, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, оилавий ажримларнинг олдини олишда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Жорий йилда марказ томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида жуда кўплаб қўлланмалар нашр этилди. Жумладан, "Кексаларнинг бир куни", "Кексаларнинг ижтимоий муҳофазаси", "Қариси бор уйнинг париси бор", "Оилада маънавий-ахлоқий тарбия", "Ажралишнинг олдини олиш бўйича психологик тавсиялар", "Оилада ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича тавсиялар", "Оила мустаҳкамлигининг сир-асрорлари" сингари кўплаб рисола ва қўлланмалар ёшларни кекса авлод вакилларига ҳурмат билан қарашга, зарарли ғояларга қарши курашишга ва келажак авлоднинг онг ва тафаккурини теранлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Марказ ходимлари ташаббуси билан 40 га яқин давра суҳбатлари ва анжуманлар ташкил этилди. Шунингдек, улар оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни амалга ошириш масалалари, оила маънавияти, оилада болалар тарбиясига эътибор, оилавий низоларнинг олдини олиш каби долзарб методологик-услубий ва амалий масалаларга бағишланган ўттизга яқин илмий-амалий анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Тўққиз номда оила бахти, никоҳнинг муқаддаслиги, кексаларни эъзозлаш, аёл саломатлиги, соғлом она ва соғлом бола мавзуларида буклетлар тайёрланди.

Матбуот анжуманида "Оила" илмий-амалий маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар, фаолияти таҳлили, муаммолар ва эришилган ютуқлар хусусида ҳам батафсил маълумот берилди.

Анжуман сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 7

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Қушлар ҳаёти". Х/ф.
7.15 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
8.00 "Тахлилнома".
8.40 "Табиат кучлари". Х/ф.
9.30 "Тонгги газета". Т/с.
10.15 "Иқлим".
10.20 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Хонадон файзи".
11.30 "Мусаффо маскан". Х/ф.
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Опа-сингил Элиоттлар". Т/с.
13.45 "Табиат мўъжизаси". Х/ф.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
14.45 Миллий сериал: "Жийда гули".
15.20 "Замин ғаройиботлари". Х/ф.
15.40 "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!".
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Қорачиқ".
17.30 "Агроолам".
17.45 "Суҳбатдош".
18.00 "Бўрилар замини". Т/с.
18.35 "Имконият".
18.55 Миллий сериал: "Таваллуд". Премьера.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Монк". Т/с. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.20 – 23.55 "Малика Карабу". Б/ф.
23.55 "Иқлим".
00.00 Миллий сериал: "Таваллуд".
00.30 "Агроолам".
00.45 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
3.30 "Денгиздан томчи".
4.00 "Ахборот".
4.35 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
5.15 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Жайдари келин". Спектакль.
7.50 "Ёшлик наволари".
8.10 "Пуаро". Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Юзсиз". Б/ф.
11.40 "Ҳаёт сўқмоқлари".
12.10 "Бир қадам". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Сўнгги легион". Б/ф.
14.50 "Муваффақият калити".
15.10 "Гўзаллар гўзали". Т/с.
16.00 "Давр".
16.10 "Сенга ошиқман". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Юрт келажаги".
17.30 "Шайтон малайлари". Б/ф.
18.50 "Устозлик бахти".
19.00 "Давр".
19.30 "Гўзаллар гўзали". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
20.50 "Ёшлик наволари".
21.10 "Сенга ошиқман". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Қизил қоялар". Б/ф.
00.40 "Эъзоз ва эҳтиром".
1.10 "Юзсиз". Б/ф.
2.30 "Ҳаёт сўқмоқлари".
3.00 "Раҳмат, ака!"
5.00 "Бир қадам". Т/с.
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00 "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.20 "Касл". Т/с. /Премьера/.
11.15 "Телетаҳлил".
11.45 "Пойтахт-культура".
12.10 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
12.45 "Poytaxt-avto".
13.15 "Муштарак диллар".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Уч атиргул". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 Миллий кино: "Танка".
17.40 "Кадр ортида".
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Ҳимоя".
18.40 "Мобиль камера".
18.50 "Poytaxt-intervyu".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
20.20 "Уч атиргул". Т/с.
21.00 "Холис назар".
21.30 "Poytaxt-eko".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Сапожник". Х/ф.
00.05 "Профессионал".
00.30 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
1.00 "Poytaxt-eko".
1.10 "Касл". Т/с.
1.45 "Мобильная камера".
1.55 "Пианиначи ҳақида афсона". Б/ф.
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.25 АНОНС.
6.30 "Орзулар кемаси".
6.55 АНОНС.
7.00 "Sport-online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.25 АНОНС.
8.30 Интерфутбол.
10.10 "Соғлом турмуш сари".
10.50 АНОНС.
10.55 Велоспорт.
11.35 "Мундиал сари".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Академик эшкак эшиш. Жаҳон чемпионати.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 "Ўзбек спортининг одимлари".
14.50 Интерфутбол.
16.30 АНОНС.
16.35 Теннис. АҚШ очиқ чемпионати.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Спорт сайёраси".
18.20 "Техноспорт".
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 "Болалар спорти".
19.20 Академик эшкак эшиш. Жаҳон чемпионати.
20.30 "Спорт-маркет".
20.35 "Футбол шарҳи".
21.25 АНОНС.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 АНОНС.
21.55 Баскетбол. Европа чемпионати.
23.10 "Техноспорт".
23.15 АНОНС.
23.20 "SPORT REPORT".
23.35 АНОНС.
23.40 Интерфутбол. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
1.40 ХАБАРЛАР.
2.00 Профессионал бокс.
2.50 Трамплиндан сакраш. Ёзги Гран-при турнири.
3.50 Велоспорт.
4.30-6.00 Теннис. АҚШ очиқ чемпионати.

Первый канал

04.00 Телеканал "Доброе утро"
07.00 Новости
07.05 "Поле чудес"
08.00 Новости
08.05 Контрольная закупка
08.30 "Жить здорово!"
09.30 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.00 Новости
11.20 Т/с "Лучше не бывает"
13.05 Смак
13.40 "Время покажет"
14.00 Новости
14.15 "Время покажет". Продолжение
15.15 "Мужское/Женское"
16.10 "Наедине со всеми"
17.00 Вечерние новости
18.00 "Давай поженимся!"
19.00 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.30 Т/с "Лучше не бывает"
22.20 Ночные новости
22.35 Х/ф "Путешествия Гулливера"
00.00 Комедия "Лучший любовник в мире"
01.30 Х/ф "Дорогая Елена Сергеевна"
02.00 Новости
02.05 Х/ф "Дорогая Елена Сергеевна"
03.10 "Мужское/Женское"

Россия

05.00, 09.15 "Утро России".
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.50, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном".
11.35, 14.30, 17.30, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с "Тайны следствия".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Склифосовский".
18.15 "Прямой эфир".
